ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 26 июль № 29 (206) • Сотувда нархи эркин

ПОЧТА ХИЗМАТИ МУАММОЛАРИ

Ҳозирги кунда республика почта алоқаси ўз тарихий ривожланишининг анчагина мураккаб бир даврини бошидан кечирмоқда. Собиқ СССР тарқалиб кетгандан кейин ҳамдўстлик мамлакатларидаги иқтисодий қийинчиликлар, давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг қисқариши оқибатида почта хизматига талаб кескин камайиб кетди. Ҳамдўстлик давлатларига пул жўнатмаларини юбориш, улардан қабул қилиш, даврий матбуотга обуна бўлишнинг қисқариши ҳам почта хизматида қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Почта хизмати турлари ҳажмининг охирги йиллардаги кўрсаткичлари анча пасайди. Масалан, 1995 йилда хат-хабарлар юбориш бўйича 1994 йилдаги ҳажмининг 58,0 фоизини, жўнатмалар — 22,7 фоизини, пул жўнатмалари — 63,4 фоизини, даврий нашрлар — 71,0 фоизини ташкил қилди.

Республика почта алоқа хизмати раҳбарияти соҳадаги мавжуд аҳволни барқарорлаштириш мақсадида тармоққа кетадиган сарф-харажатларни анча камайтирди. Шу боис 1993-1995 йилларда норентабелли 400 та алоқа бўлими ёпилди, 1500 нафар хат ташувчи қисқартирилди. Бу тадбир соҳанинг молиявий ҳолатини бироз соғломлаштирган бўлсада, лекин аҳоли учун ноқулайликлар туғдирди, фақат почта хизмати эмас, балки шаҳарлараро телефон алоқаси мижозлари сонининг ҳам камайишига олиб келди.

Аёнки, аҳолига почта ва алоқа хизмати кўрсатишда турли рақобатчилар кўпайиб бормоқда. Масалан, Голландия фирмаси республикада биринчи бўлиб «электрон почта»ни амалга оширмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари даврий матбуотига обуна қилиш ва республикада тарқатишда ҳам бир нечта фирмалар ўз хизматларини таклиф қилмоқдалар.

Бу ҳол Алоқа вазирлиги ва «Ўзбекистон почтаси» концерни раҳбариятидан бозор иқтисодига ўтилаётган, рақобат кучайиб бораётган шароитда барча омилларни ҳисобга олиб, янги асосда иш олиб боришни талаб қилади. Биринчи навбатда республика почта соҳаси ривожланишининг ўз концепцияси ва дастури бўлмоғи лозим. 1996 йил бошларида концерн томонидан ишлаб чиқилган «Почта ривожланишининг 2005 йилгача дастури» ҳанузгача тасдиқланиб, амалий ҳужжат сифатида қўлланилаётгани йўқ.

Уйлаймизки, бу дастур қайта кўриб чиқилиши ва унга асос сифатида жаҳон почта иттифоқи XXI Конгрессида белгилаб берилган йўналишлар олиниши керак. Бу муҳим ҳужжатда қуйидаги тўрт йўналиш кўрсатиб ўтилган:

Биринчи йўналиш — почта хизматларига бўлган талабни муттасил ўрганиб бориш, янги хизмат турларини кенг жорий қилишдир. Ривожланган мамлакатлар почтаси асосий хизматдан ташқари 100 га яқин тур бўйича хизмат кўрсатади.

Республикада бу йўналишдаги ишларни концерн ва вилоят давлат почта корхоналарида «Маркетинг» хизматини ташкил қилиш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш орқали амалга оширилади.

Иккинчи йўналиш — хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш. Маълумки, сифат кўрсаткичларига қуйидагилар киради: почта хизмати шахобчаларининг зичлиги, аҳоли учун қулайлиги, иш вақти, почта жўнатмаларини қабул қилиш, саралаш, етказиб бериш вақти, уларнинг сақланиш ҳолати, почта қоидаларига амал қилиниши ва бошқалар.

Иш сифатини ошириш кўп жиҳатдан соҳага турли техника воситалари ва компьютерларни кенг қўллашни талаб қилади. Кейинги йилларда шу мақсадда кўплаб компьютерлар ва бошқа техник воситалар сотиб олинмоқда.

Учинчи йўналиш — почта соҳасида бошқариш тизимини янада такомиллаштиришдир. Бугунги кунда республикада алоқа ва почта хизмати вазирлик, концерн, вилоят почта алоқа корхонаси, туман почта алоқа бирламаси, алоқа бўлими бошқарув тизимидан иборат. Бу бошқарув тизими бугунги кун талабларига жавоб берсада, ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиб чиқиш фойдадан холи эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, баъзи вилоятларда давлат почта корхонаси ва почтамти бошқарув аппаратини бирлаштириш яхши самара бермоқда. Шунингдек, кичик боғламаларни бирлаштириб, туманлараро почта боғламаси ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчи йўналиш — инсон омили, малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат.

Ҳар бир соҳа ривожи, муваффақияти ва истиқболи унда хизмат қилаётган инсонларга боғлиқ. Почта соҳасида ҳам ўз касбини севган, фидойи инсонлар жуда кўп. Яқинда республика бўйича почта корхоналари ва алоқа боғламалари раҳбарлари аттестациядан ўтказилди. Бу тадбир соҳада кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида бир қанча муаммолар борлигини кўрсатди.

Почта соҳасига мутахассис кадрлар Тошкент электротехника Алоқа институти ва Тошкент Алоқа коллежида тайёрланади. Лекин почта соҳасида жуда оз миқдорда мутахассислар тайёрланмоқда. Айни чоғда бу ўқув даргоҳларида почта мутахассислиги бўйича ўқитувчилар деярли йўқлиги учун касб бўйича битирувчиларнинг савияси жуда паст бўлиб қолмоқда. Кўпгина туман почта алоқа боғламалари раҳбарларига ҳокимлар хоҳишига қараб соҳа бўйича маълумоти ҳам, тажрибаси ҳам бўлмаган кадрларни тайинлаш ҳолдари учраб турибди.

Уйлаймизки, келгусида бу муаммолар ўз ечимини топади, почта хизматига бўлган талаб ортиб боради. Халқимиз буюк давлат қуриш йўлида шаҳдам қадам ташлаб бораётибди. Асосий мақсад — Ўзбекистон почта хизматини ривожланган давлатлар почтаси эришган даражага етказишдир.

Абдусаттор ОРТИҚОВ,
Республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғи



Тошкентдаги 98-АТСнинг тажрибали электромонтёри З. МИЧУРТДИНОВА яқинда ишга келган ёш ҳамкасби Е. СОЛИҲОВА билан кроссда профилактика ишларини олиб бормоқда.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

УЯЛИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

Наманган вилоятида телефон тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Ўтган йили германияликлар кўмагида 12 минг рақамли телефон станцияси ишга туширилганди. Яқинда эса «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонаси ёрдамида 300 рақамли уяли телефон станцияси ишга туширилди.

ФАХРИЙЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда Қарши шаҳридаги фахрий алоқачилар кенгашининг анжумани бўлиб ўтди. Унда 50 га яқин фахрий алоқа ходимлари иштирок этишди. Анжуманда кенгаш раиси Қ. Нуровнинг ҳисоботи тингланди. У ўз ҳисоботида жорий йилнинг олти ойи мобайнида фахрий алоқачиларга кўрсатилган ғамхўрликлар ва бошқа амалга оширилган ишлар хусусида тўхталди. Йиғилишда вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи У. Воҳидов қатнашди.

Анжуман кун тартибида ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Шу пайттача фахрий алоқачилар кенгашининг раиси бўлиб ишлаб келган Қ. Нуров ўз аризасига кўра бу вазифадан озод этилди. Мазкур вазифага кўп йиллардан буён алоқа соҳасида узлуксиз ишлаб келаётган Ю. С. Саркисян сайланди.

Йиғилиш сўнггида келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Тўйчи ЙЎЛДОЩЕВ,
Қашқадарё вилояти

ОЛАМДА НИМА ГАП?
• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Матбуотда илгари хабар қилинганидек, 19 июль куни Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг халқаро таништириш маросими бўлди. Заводнинг расмий равишда очилиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказди.

• «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори матбуотда эълон қилинди.

• Ташқи ишлар вазирлигида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатида ижтимоий ривожланиш жамғармаси ҳамда аҳолини иш билан таъминлашни тезлаштириш ва даромад билан таъминлаш дастурлари лойиҳаси муҳокама қилинди.

• Буюк соҳибқирон ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон шаҳар ва қишлоқларида ҳам хайрли тадбирлар ўтказилмоқда.

• Истеъдодли суҳандон, бадиий сўз устаси, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Маҳсумовнинг жозибали овози 40 йилдан зиёд радио тўлқинларида мавжланди. Яқинда пойтахтимиз кўчаларидан бирига Қодир Маҳсумов номи берилди.

• Америка Халқаро тараққиёт агентлиги — ЮСАИД делегацияси Хоразмга ташриф буюрди.

• Андижон шаҳрида «ЎзДЭУавто» автомобилларига хизмат кўрсатадиган «Сервис маркази» барпо этилди.

• «Шарқ бизнес хабарномаси»нинг биринчи сони босмадан чиқди. У «Бизнес-вестник Востока» ҳафталигининг ўзбек тилидаги нашридир.

• Ашхободда Тожикистон маъмурлари ва мухолифатчилари ўртасида бўлиб ўтган музокараларнинг навбатдаги босқичида ўт очишни тўхтатиш муддатини 1997 йил 1 январигача узайтириш, ўзаро асирлар айирбошлаш юзасидан аҳдлашувларга эришилди.

• Чеченистоннинг Шатой қишлоғи атрофида Россия федерал қўшинлари билан Чеченистон мухолифатчиларининг қуролли бўлинмалари ўртасида шиддатли жанглар давом этяпти. Ҳар икки томондан катта талофатлар бўлмоқда.

• Германия Бундестаги раиси Рита Зюсмут расмий ташриф билан Украинага келди.

• Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб қурраи заминимиздаги аҳоли сони ҳозирги 5,8 миллиарддан 9,8 миллиард кишига етади.

• АҚШнинг «Майкрософт» корпорацияси хўжайини Билл Гейтс хусусий шахслар ўртасида иккинчи йил кетма-кет жаҳондаги энг бой киши, деб тан олинмоқда. Ҳозир унинг бойлиги 18 миллиард долларни ташкил этади.

АЛОҚА СОҲАСИНИНГ КЕЛАЖАГИ ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН АТСЛАРГА БОҒЛИҚ

Юртимиз мустақил бўлгандан буён ҳамма соҳалар каби алоқа тизимида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистоннинг келажагини янада юксалтириш, алоқа соҳасини ривожлантириш мақсадида жаҳон миқёсидаги электрон станциялардан фойдаланиш энг асосий омиллардан бири эканлиги ҳаммага маълум. 1994 йили Жанубий Корея билан ҳамкорликда Фарғона вилоятида 50 минг рақамли замонавий АТС қурилиб, ишга туширилди ва республикада биринчи бўлиб кўрсатилган алоқа хизмати учун вақтбай усулида тўлов жорий қилинди.

Замонавий АТСнинг вилоятда татбиқ этилиши алоқа соҳасидаги мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Янги замонавий станциянинг афзал томонларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Фарғона вилоятида республика алоқа корхоналари бош муҳандислари иштирокида анжуман ўтказилди. Анжуман қатнашчилари Жанубий Корея мутахассислари билан тажриба алмашдилар ва ўзаро ҳамкорлик ҳақида келишиб олдилар.

Вилоятда электрон рақамли станция ишга тушгандан буён алоқа хизмати сифати яхшиланди, меҳнат унумдорлиги ва мижозлар сони ошди. Илгариги станцияларда 40 нафардан зиёд мутахассис хизмат кўрсатган бўлса ҳозирги 10000 рақамли станцияда 10 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Эришилган натижа меҳнат самарадорлиги ошганлигини кўрсатади. Станциялар ўртасида шиша толали кабелнинг қўлланилиши ва зичлаш қурилмасининг ўрнатилиши натижасида каналлар сони кўпайди, Станцияларо алоқа сифати яхшиланди ва носозликлар сони деярли йўқолди.

Замонавий электрон рақамли станциясининг вилоятда ўрнатилишида шу соҳа мутахассисларининг ҳиссаси катта бўлди. 1994 йили Фарғона вилоятидан 35 та мутахассис Жанубий Кореяда бўлишиб, ушбу қурилманинг ишғилиши ҳамда хизмат кўрсатиш усулларини ўрганиб келдилар. Улар ўрганган тажрибаларини амалиётда қўллаб, станция қурилишида яқиндан ёрдам бердилар. Ҳозирги вақтда соҳа учун етук мутахассислар тайёрлаш ишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мазкур қурилма нафақат телефон станцияси бўлиб хизмат қилади, балки 16 хил хизмат кўрсатиш имкониятига ҳам эга. Ҳозирги кунда абонентлар хизмат турларининг ҳаммасидан ҳам фойдаланаётганлари йўқ. Чунки бу хизмат турларининг афзал томонларини, кўрсатилган алоқа хизмати учун вақтбай усулида ҳақ тўлаш жорий қилинишининг қулай томонларини ҳозирча чуқур тушуниб етмаяптилар. Аммо биз ўйлаймизки, келгусида республикамизнинг ҳамма вилоятларида, қолаверса бутун жаҳонда замонавий электронлаштирилган станциялар такомиллаштирилиб, янада кенгайтирилса, бу муаммолар ўз ечимини топади ва халқимиз бу алоқа турларидан унумли фойдаланади. Шу боис ҳам замонавий станцияларни вилоятимизнинг ҳамма туманларида жорий қилишни 2005-2010 йилларгача тугаллаш режалаштирилган.

Биз — алоқачи мутахассислар станцияларни қуриш учун маблағ йиғишимиз, алоқа хизмати сифатини янада яхшилашимиз, кўрсатилаётган алоқа хизмати ҳақини вақтида ундиришимиз, абонентлар билан тушунтириш ишлари олиб боришимиз даркор. Ишончимиз комилки, келажакда эзгу режаларимиз рўёбга чиқади ва вилоятимиз алоқа хизмати кўрсатиш бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришади.

Ф. УМАРОВА,
Фарғона вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг ижрони назорат қилиш муҳандиси ва кенгаш котибаси



Электромеханик Рисхиддин НОРМАТОВ ва кабелчи Сергей ГАЛИМОВлар Чирчиқ шаҳар электралоқа тармоғининг ёш мутахассисларидан ҳисобланади. Улар кабель муфталарини пайвандлаш жараёнида барча тартиб ва талабларга катта эътибор берадилар.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

МУКОФОТ МУБОРАК

Алоқа соҳасидаги кўп йиллик ҳалол хизмати учун Бухоро вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Исрафил Ридванович ЧАКИДЗЕ Алоқа вазирлигининг «Фахрий Ёрлиғи» билан мукофотланди.

Газетамизнинг навбатдаги «Алоқачи ҳамроҳи» — «Спутник связиста» саҳифалари 6 сентябрда чиқади.

ҲОРМАНГ, ТЎХТАСИН ОТА!

...1943 йил. Ватан урушининг айни қизғин палласи. Ҳамма душманга қарши жангга отланган. Фронт ортидагилар меҳнат қуроли билан жангчиларга мадад бераётган кезлар эндигина 13 баҳорни қаршилаган Тўхтасин Ҳамробоев Тошкентдаги кабель ишлаб чиқарадиган заводга ишга киришга қарор қилди. Ўша йиллари завод фронтга ҳарбий кемалар учун торпеда ва снарядлар тайёрлаб, етказиб берар эди. Ёш Тўхтасин завод маъмурияти томонидан синовдан ўтказилиб, токарь вазифасига ишга олинди. Бу ерда у астойдил меҳнат қила бошлади.

Уруш тугаб, тинч, осуда ҳаёт, қайта тиклаш ишлари бошланди.

1949 йили собиқ Совет Иттифоқининг Вазирлар Кенгаши Ўрта Осиё ва бошқа жойлардаги қўриқ ва чўл ерларни ўзлаштириш учун барча ёшларни сафарбар қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу қарордан сўнг кўпгина юртлардан Мирзачўлга довюрак ёшлар кела бошлади. Шулар қаторида Тўхтасин ҳам чўлни бўстон қилиш учун отланди.

У аввалига тахта тайёрлаш цехида, сўнгра далага чиқиб, кўпчилик қатори пахта етиштиришда меҳнат қилди.

1964 йили Мирзаобод туманининг XXII-партсъезд (ҳозирги Деҳқонобод) давлат хўжалиги раҳбарлари Тўхтасин акани 4 ойлик радистлар тайёрлаш курсига ўқишга юборишди. Шу-шу Тўхтасин аканинг алоқачилик фаолияти бошланди.

Ўқишни тугатгач, у яна Деҳқонобод хўжалигига қайтиб, электралоқа мантўри бўлиб ишлади. Ўша йиллари қишлоқларда аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш, радионуқталарнинг иши яхши йўлга қўйилмаган, борлари ҳам кўнгилдагидек ишламас эди.

Тўхтасин Ҳамробоев ўз ишини пухта бажариш билан бирга, хўжалик раҳбарларига алоқа ва радио қурилмалари, линияларни талабга жавоб бермаслиги, уларни янгилаш кераклиги тўғрисида доимо ўз таклифларини билдирар эди. Аксарият жойларда электр ёритиш линияси радио линия билан битта симёғочга тортилган. Кўпгина электр линияларини жорий таъмирлаш ёки алмаштириш ишлари алоқа ходимларини огоҳлантирмасдан амалга оширилар эди. Натижада бир неча километрлаб радио линияларнинг аҳволи ачинарли ҳолатга тушиб қолар эди. Бу линияларни қайта тиклаш учун қанчадан-қанча қўшимча маблағ ва қурилиш материаллари, машаққатли меҳнат талаб қилинади. Бу каби ишларни бажариш масъулияти яна Тўхтасин аканинг зиммасига юклатилар эди. У қийинчиликлардан чўчимади, меҳнат қилиб, эл орасида обрў топди.

1974 йили Деҳқонобод давлат хўжалиги марказида 100 рақамли телефон станцияси ўрнатилди. Орадан бир йил ўтгач, бу станция 200 рақамга кенгайтирилди. Тўхтасин аканинг юмушлари янада кўпайди, ҳар бир бузилган телефон ва радио линияларини ўз вақтида созлаш пайида бўлди. Бу орада қанча қувончли ва ташвишли кунлар ўтди. Т. Ҳамробоевнинг меҳнатлари зое кетмади, аҳолига намунали хизмати учун орден ҳамда бир неча маротаба вилоят, туман алоқа ташкилотлари маъмуриятининг совғалари билан мукофотланди.

Тўхтасин Ҳамробоев ҳозир 70 ёшда. Шундай бўлсада, у ҳали тетик-бардам. Бир неча шогирдлари бор, 6 фарзандининг отаси, 16 набирасининг бобоси. Фарзандларининг барчаси эл хизматида.

«Алоқачида темир интизом бўлиши керак, — дейди биз билан суҳбатда Тўхтасин ота, — шикастланган, бузилган телефон, радио линиясини ўз вақтида тузатмаган мантўр алоқачи бўла олмайди. Биз алоқачиларда кеча билан кундузнинг фарқи бўлмаслиги керак».

Ҳа, Тўхтасин отанинг юракдан, самимий айтган сўзлари ҳар бир алоқа ходими учун ибратдир.

Абдутафур ҲОТАМОВ,
«Хабар» газетасининг жамоатчи мухбири,
Сирдарё вилояти

ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг буйруғига кўра Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раисининг ўринбосари *Константин Степанович КОНОВАЛОВ* Республика Электромагнит мослашув марказининг бошлиғи этиб тайинланди.

Константин Коновалов 1946 йили Тошкент шаҳрида туғилган, рус, маълумоти олий —



1976 йили Киев шаҳридаги фуқаро авиацияси муҳандислари институтини битириб, радиомуҳандис ихтисослигига эга бўлган. У меҳнат фаолиятини 1968 йили Криворожж авиация-техника билим юртини тугатгандан сўнг Сергели авиабўлимида фуқаро авиацияси автомеханиклигидан бошлади. 1985 йилга қадар турли идораларда муҳандис ва катта муҳандис вазифаларида меҳнат қилди. 1985 йили Алоқа вазирлигига ишга ўтди.

Алоқа вазирлигининг давлат электралоқа назоратида 1987 йилгача катта муҳандис, етакчи муҳандис, 1988 йилдан бошлаб Электромагнит мослашув маркази (ЭММ)нинг радиоэлектрон воситаларининг етакчи муҳандиси вазифасида хизмат қилди. 1988-1990 йилларда ЭММнинг мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, сўнгра Давлат алоқа назорати техника бўлими бошлиғининг ўринбосари, 1991-1992 йилларда давлат алоқа назорати электромагнит мослашув хизматининг бошлиғи лавозимларида ишлади. К. Коновалов 1992 йилнинг сентябрь ойидан ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг раиси ўринбосари вазифасида хизмат қилган.

РАСМИЙ ЖАВОБ

«Хабар» газетасининг 1996 йил 14 июнь сонида чоп этилган нафақачи У. Жумаевнинг «Радио тингламоқчимиз, аммо» номли шикоят хатини ўқиб, вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси қуйидагича жавоб йўллайди:

«Сурхон» жамоа ширкат хўжалигида шу кунларда 1960 та хонадонда радионуқталар ишлаб турибди. Хонадонлардан тушган шикоятлар ўз вақтида кўриб чиқилиб, тегишли чоралар белгиланмоқда.

Шикоят хатида кўрсатилганидек, илгари нафақачи Умар Жумаев хонадонида радионуқта ишлаб турган.

Аввалларри жамоа хўжалигидаги барча хонадонларнинг радионуқталари учун тўловларни хўжалик ўз ҳисобидан тўлаб келган. Нарх-навонинг ўсганлиги, иқтисодий қийинчиликлар сабабли «Сурхон» жамоа хўжалиги хонадонлар учун хизмат ҳақини тўламагандан сўнг кўпгина хонадонлардаги радионуқталар, жумладан У. Жумаев хонадонидаги радионуқта ҳам ўчирилиб қўйилган ва тўлов бўлмагандан кейин олиб ташланган.

Ҳозирги кунда У. Жумаев хонадонидаги радионуқтани қайта ишлатиш учун линияга 200 метр сим (мижоз ҳисобидан) ва хизмат ҳақини тўлашига кафолат бериш шартномаси керак.

Жамоатчи мухбир Н. Зиёевга вилоят электралоқа корхонасининг бўлим бошлиғи Г. Назаровнинг берган маълумоти бўйича тўрт йил илгари 154768 дона радионуқта мавжудлиги тўғрисида изоҳ келтирилган. Аммо 4 йил мобайнида 16151 дона радионуқта камайган, уч дастурли радионуқта эса 9 мингтага камайган.

О. ЭШОНОВ,
Сурхондарё вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи

ТАКСОФОН ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Узоқ йиллар пойтахтимиз кўчаларида турган таксофонлар қандай ишлашидан қатъий назар безорилар томонидан синдирилар эди. 1982-83 йилларда ҳар бир таксофон бир ой ичида 4 маротаба синдирилган бўлса, ҳозирги кунда икки ой ичида бир маротаба синдирилиши ёки бузилиши амалда кузатилмоқда.

Илгари таксофон алоқа боғламаси Тошкент шаҳар телефон тармоғига қарашли эди. Таксофонлардан тушган даромад таксофонларнинг бир ой ишлаб туриши учун сарфланган маблағнинг чорак қисмини ҳам ташкил қилмасди.

1996 йили таксофон алоқа боғламаси Тошкент шаҳар телефон тармоғи таркибидан бутунлай ажралиб чиқди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмади. Анчагина қийинчиликлар пайдо бўлди.

Тошкент таксофон алоқа боғламаси (ТТАБ) учун яна бир оғир муаммо — ўша пайтларда чақа пулларнинг йўқ бўлиб кетиши эди. Шундай қийинчиликка қарамай маҳаллий бюджетдан керакли миқдорда маблағ ажратилди ва шаҳар таксофонлари маълум вақтгача бепул ишлаб турди. Таксофон жамоаси шу қисқа муддат ичида ўз таксофонларини жетон тизимига ўтказди. «Промсвязь» заводида жетонлар тайёрланди. Ҳозирги кунга келиб ТТАБнинг молиявий аҳволи анча яхшиланди.

Ҳукуматимизнинг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни асосида жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб корхонамиз очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

Корхонанинг давлат тасарруфидан чиқарилиши у ерда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ўз ишларига масъулият билан ёндошишини талаб этади. Биз бу йўлдаги барча қийинчиликларни енгиб, шаҳар аҳолисига таксофон хизматини яхшилашга ҳаракат қиляпмиз.

Р. ОРИФЖОНОВ,
ТТАБнинг фойдаланиш хизмати бошлиғи

• *Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига*

«ҲУСАЙН БОЙҚАРОНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ»...

Соҳибқирон Амир Темур 1405 йил кузида Хитой сафари арафасида вафот этгач, у тузган жуда катта салтанатнинг турли вилоятларида ҳукмдор бўлиб турган темурийзодалар Самарқанд тахти учун кураш бошладилар. Амир Темурнинг набираси Халил Султон биринчи бўлиб Самарқанд тахтини эгаллади. Ёш мирзо Улуғбек бир неча йил давомида отаси Шоҳруҳ мирзодан ёрдам сўраб, Самарқанд тахти учун кураш бошлади. Аммо Шоҳруҳ мирзо жиянини, истеъдодли саркарда Халил Султон билан тинч музокаралар олиб боришни афзал кўрди. Бу борада Халил Султонга хиёнат йўлига ўтган амир Худойдод Ҳусайний айёрлик билан уни асир туширди. Шундан сўнг Шоҳруҳ мирзонинг саркардалари Худойдод Ҳусайний лашкарини енгиб, Халил Султонни асирликдан қутқардилар. Шоҳруҳ мирзо унга Рай вилояти ҳокимлигини берди.

Шоҳруҳ ва унинг ўғли Улуғбек мирзо даврида темурийлар салтанатида узоқ йиллар нисбий тинчлик ўрнатилди, ободончиликка, санъат, фан, маданиятни ривожлантиришга катта эътибор берилди.

Агар Амир Темур даврида салтанатнинг асосий пойтахти Самарқанд бўлиб турган бўлса, Шоҳруҳ даврида Ҳирот биринчи ўринга кўтарилди. Негадир Шоҳруҳ Самарқандни ўзига пойтахтликка танламади. Эҳтимол у Эрон, Ироқ ва Озарбайжондаги вилоятларни қўлдан бермаслик учун Ҳиротни пойтахт сифатида танлагандир? Хуллас, Шоҳруҳ темурийлар салтанатини узоқ йиллар-донолик билан бошқарди. Табиийки, дастлабки йиллари у мамлакатни парчалаб, бўлиб олишга интилган амирлар ва шаҳзодаларга қарши жангу-жадалларда яшади. 1420 йиллардан сўнг нисбий осойишталик даврида деҳқончилик, фан, маданият тез ривожланди.

1447 йил 12 март куни Шоҳруҳ вафот этгач, темурийзодалар орасида яна пойтахтни қўлга киритиш учун жангу-жадаллар бошланди. Отаси вафотидан сўнг 2 йил ўтгач, Улуғбек мирзо тахтдан айрилди. Самарқанд ва Ҳирот қисқа муддатларда қўлдан-қўлга ўтиб турди. Ниҳоят, Мироншоҳнинг набираси — Абу Саъид мирзо 1451 йили Самарқандни, темурийзода Абул-Қосим Бобур эса 1452 йили Ҳиротни эгалладилар. Е. Э. Бертельс шарқ манбалари асосида ёзишича, Султон Абу Саъид Мирзо Улуғбек саройида тарбия топган, фан ва санъатни нозик тушунган, олим, шоир, санъаткорларга ҳомийлик қилувчи подшоҳ эди.

Амир Темурнинг учинчи ўғли Абу Бакр авлоди—Бойқаро мирзонинг набираси Абул-Ғози султон Ҳусайн мирзо 14 ёшидан Абу Саъид онанинг гапини ерда қолдирмай, Ҳусайнни озод қилиб юборади. Бу қизиқарли воқеалар атоқли муаррих Турғун Файзиевнинг «Ҳусайн Бойқаронинг сирли ўлими» китобида яхши тасвирланган.

Шундан сўнг Ҳусайн мирзо Ҳиротга, Абул-Қосим Бобур хизматига қайтади, унинг вафотидан сўнг Марв ҳокими султон Санжар хизматига ўтади.

Султон Санжар унинг хизматини, мардлигини қадрлаб, ўзига куёв қилиб олади. Султон Ҳусайннинг шу хотини Султон бегимдан биринчи ўғли Бадиуззамон мирзо дунёга келади.

Султон Санжар Машҳад юришига кетганида куёви Ҳусайнни ўз ўрнига ноиб қилиб қолдиради. Аммо кимларнингдир қутқусига учиб, Ҳусайн мирзо ўз ҳомийси султон Санжарга қарши исён кўтаради. Аммо бу иши барбод бўлиб, қочишга мажбур бўлади.

1458 йил баҳорида Ҳусайн мирзо 300 навкари билан бобокалони Амир Темур каби жасорат кўрсатиб, Астрободни эгаллайди ва Султон Абу Саъидга тобелигини билдиради. Аммо булар шу кўйи яқинлашиб кетолмайдилар. Абу Саъид уни бир неча марта Астробод ҳокимлигидан қувади.

1467 йил қишида Эрон ҳукмдори Қора-қўйунли Музаффариддин Жаҳоншоҳ Оқ-қўйунли Узун Ҳасанга қарши урушда асир тушиб қолади. Жаҳоншоҳнинг ўғли султон Абу Саъиддан ёрдам сўрайди. Абу Саъид 1469 йил февралида Оқ-қўйунли Узун Ҳасанга қарши Озарбайжонни эгаллаш ва Жаҳоншоҳни қутқариш ниятида урушга отланади. Аммо толеи келишмасдан, жангда енгилиб, Оқ-қўйунли подшога асир тушиб қолади.

Абу Саъид мирзо 12 йил аввал Шоҳруҳ султоннинг беваси Гавҳаршодбегимни хиёнатда айблаб, қатл эттирган эди. Гавҳаршодбегимнинг невараси Ёдгор мирзо султон Абу Саъид мирзодан ўч олишга интиларди. Узун Ҳасан Оқ-қўйунли шуни билгани учун, иттифоқдоши Ёдгор мирзога асир Абу Саъидни топширади. Ёдгор мирзо бувиси Гавҳаршодбегимнинг хуни учун султон Абу Саъидни қатл эттиради.

Султон Абу Саъиднинг ўлимидан кейин унинг икки ўғлини (Султон Муҳаммад ва Султон Аҳмадни) икки юртда подшоҳ деб хутба ўқидилар. Аммо бир ҳафтадан сўнг Ҳусайн мирзо қўшини билан келиб, Абу Саъиднинг ўғилларини жангда енгади, Ҳирот тахтини эгаллайди.

Бу вақтга келиб, султон Ҳусайннинг болаликдан яқин дўсти (улар кўкалдош эдилар) Алишер Навоий кўп машаққатларни бошдан кечириб, эллисонайин шоир сифатида шуҳрат қозонган эди. Султон Ҳусайн давлат тахтига ўтиргач, бир ҳафта ўтар-ўтмай, дўсти Алишерни ҳузурига чақирди. Уни беҳад иззат-ҳурматлар билан кутиб олиб, муҳрдорлик вазифасини берди: Уч йилдан сўнг (1472 йил) у Алишер Навоийга амирлик мартабасини инъом этди. Султон Ҳусайн ва Навоий дўстлиги кўпгина тарихий ва бадиий асарларда тасвирланган. Истеъдодли олим Турғун Файзиевнинг мазкур китобида бундан ташқари жуда кўп ажойиб воқеаларни билиб олиш мумкин. Бу китоб Темур бобомиз тўйиига муносиб совғадир.

Маҳкам Маҳмуд АНДИЖОНИЙ,
Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби

• *Яйловдан мактуб*

ЎЧОҚДАГИ ЧЎҒ

Болаларимнинг отаси чўпон. Шунинг учун умримиз кўпроқ яйловда ўтади. Кўҳитанг тоғи этагига ўтов тикиб, яшаб келяпмиз. Кўчманчилик қабилида яшашимизнинг ўзига яраша гашти бор. Ҳа, ташвишнинг бўлиб тургани яхши. Эринчоқлик, тантиқлик каби инсон умрига завол касалликлар сизга яқинлаша олмайди. Шунданми, биз чорвадор оилаларда қайнона-келин можаролари камдан-кам учрайди. Менимча, ўчоққа, тандирга ўт ёқавериб, қўй-қўзини эна-бола қилишда чўпонга кўмак бераверіб, буёғи куви пишиб, кели туйиб жанжаллашишга вақт ҳам қолмаса керак.

Шу жиҳатдан оилаларга давлат йўли билан шароит яратиб берилаётганига кўп ҳам қўшилавермайман. Чунки, кўпгина қулайликларни опа-сингилларимиз тўғри тушунишмаяпти. Қулай имкониятлар яратганингиз сари оилавий гап-сўзлар кўпайиб бормоқда. Бир-икки фарзанд кўриб, уй бекаларига айланиб қолишган баъзи келинчаклар кун бўйи телевизор кўришдан эринишмайди. Тайёр табиий газ ўчоғига гугурт чақиш, чой қайнатиб, овқат пиширіш ташвишларига ҳам ноз билан ёндошадилар. Айтинг, ахир бундай жойда файзу-барака бўладими?

Илгари келинчаклар газда чой қайнатиш, пазандалик қилиш нималигини тасаввур ҳам қилмаганлар. Қора чойдишдан мис идишга дамланган чойни, ёғоч товоққа сузилган ошни ширин билганлар. Нега? Чунки бунинг учун бека соатлаб меҳнат қилган. Келиб шоли туйган, ёрғинчоқдан ун чиқарган. Пайтини топса ҳалложида пахта тозалаб, чархда ип йигирган. Эски тивитини жун тароқдан ўтказиб, бўлғуси тўйга тараддуд кўрган. Мен бу билан келинжувонларимиз ўтмишга қайтсин демоқчи эмасман. Кўрсатилаётган ғамхўрликларга шукр қилиб, уй-рўзғор ишларида саранжом-саришта бўлиб, қайнонани она билсинлар, эрни қадрласинлар. Ана шунда оилавий мозароларга ўрин қолмайди.

...Келиним Замира ўтовдаги ўчоғимизга бир тоғора ғўзапоя чўғни жойлади. Ўчоқдаги чўғга қараб ўйлаб қолдим. Худди у кенг адирлардаги қизғалдоқдан ранг олгандай туюлди менга. Ҳа, ҳарорат ва гўзаллик эгизак бўлса, ҳеч қачон рўшнолик бизни тарк этмайди.

Ойдона НУРМАТОВА,
Шеробод туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган кўп болали она,
Сурхондарё вилояти



Тандир тўлиб ёпилди нон...

• *Мерос*

Фаридиддин АТТОР

СУЛАЙМОН ВА ЧУМОЛИ

Ҳазрат Сулаймон ҳам шоҳ, ҳам пайғамбар эди. Ул зотга инсу жинс, жамики жонзот итоат қилар, Сулаймон эса қурту қумурсқа, паррандаю дарранданинг тилини билар, улар билан суҳбатлашарди. Бир кун Сулаймон дабдабаю ҳашамат билан чумолилар тўдаси ёнидан ўтди. Барча чумолилар унинг хизматига югурдилар, минг-минг чумоли ҳузурида ҳозир бўлди. Аммо бир чумоли унинг олдига бормади. Ул чумолининг ўзи олдида бир тепалик бор эди. У бир ўзи якка тан бўлиб, шу тепалик тупроғини бошқа ёққа тортар, тепаликни бутқул ташиб, уйининг олдини текислаш пайига тушган эди. Сулаймон уни олдига чақириб, деди:

— Эй чумоли, сени жуда бетоқат ва ташвишли кўряпман. Агарда сенда Нуҳ умрию Айюб сабри бўлса ҳам бу улкан тепаликни текислолмайсан. Бу сенинг ишинг эмас, шу кичкина жуссанг, зигирдан ҳам майда қўлларинг билан шу тепаликни текислаш мумкинми?

Чумоли Сулаймонга қараб деди:

— Эй шоҳ, бу йўлда ҳиммат билан иш кўрсатиш керак. Сен менинг ниятимнинг ўзига эмас, ниятимнинг камолига боқгил. Мени бу йўлга муҳаббат бошлади. Мен тепа нарегидаги бир чумолига ошиқман, тепалик мени ундан ажратиб турди. Ул чумоли менга: шул тепани орадан кўтарсанг, васлимга етиб, бахтиёр бўласан, деди. Бу ҳижрон дегворини ташиб тугатмасам бўлмас. Шу боис ҳозир бу ишга бел боғлаб турибман, бундан бошқа нарсани билмасман. Агар тепаликни ташиб, йўлни тозаласам, ёр васлига етиб, шодон бўламан, аммо агар иқтидорим етмай, шу йўлда жон берсам — минг-минг розиман.

Эй фарзанд! Ишқни чумолидан ўрган, ёр васлига етишиш осон эмас, жон фидо қил, жонона керак бўлса. Кўрлардан кўришни, ожизлардан қаҳрамонликни таълим ол. Чумолига паст назар билан қарама, чунки унинг ҳам қалбида ишқ инқилоби мавжуд. Бу йўлда нималар бўлаётганини билиш қийин, балки шер чумолидан танбеҳ олар. Ҳа, ишқ мўъжизалар яратар оламда!

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АҲМЕДОВ, ОТАУЛИ, Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шоҳруҳ АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Саид СИДДИҚОВ, Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0406. 8119 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 123456

ДУШАНБА 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».

★

8.30 «Мусиқий хазина». Феруз.
9.00 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Кичкинтоймиз — гижингтойимиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Футбол шарҳи.
10.20 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.
10.50 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
11.15 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Оби ҳаёт». Жиззах кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.45 Тақдир. «Мехрингизга ташнаман...».
12.15 «Силовсин овга чиқди». Бадиий фильм.
13.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 1-қисм.
15.10 — 15.25 «Атланта-96».

★★★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эркатой».
18.30 «Кулги дармон дейдилар».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.10 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Эҳранда — Бухоро вилояти.
21.50 «Зарчашма».
22.05 Бу оқшом...
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 Мусиқий дақиқалар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Дўстлик» — «Навбаҳор».
00.40 «Оламга саёҳат».
01.10 Тунги тароналар.
01.30 — 01.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб».
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.30 «Клип-антракт».
22.35 — 23.35 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ёз манзаралари». Телефильм.

★

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.35

★

20.35 «Карачинғиль». Телефильм.

★

Россия жамоат телевидениеси
21.00 — 21.30

★

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 «Кодрлар». Телефильм.

★

Россия давлат телевидениеси
22.40 — 23.15

★

23.15 «Фильмлар ва тақдирлар».
23.55 — 24.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Аёл».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин!»
20.40 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «IV канал эксклюзиви».
22.05 «Спорт-тайм».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
23.05 «Гулшан диёрим» («Тошкентнома»).
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

★

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Тошкент фавворалари». Телефильм.
9.30 «Оналар мактаби». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Рақслар гулдастаси».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.

★

12.00 «Киммати бола». Бадиий фильм.
13.20 «Алла» ижрочиларининг кўрик-танлови.
14.00 Янгиликлар.
14.05 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 2-қисм.
15.10 — 15.25 «Атланта-96».

★★★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби». Болалар учун кўрсатув.
18.30 «Спорт. Спорт. Спорт».
18.40 «Виждон». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Д.Д.Д. ва бошқалар».
21.55 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Тобус-малика». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажислар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Киноғоч».
23.25 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Пружинкул». Мультфильм.

★

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

★★★

18.10 — 20.35

★

20.35 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.

★

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

★

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.

★

Россия давлат телевидениеси
22.25 — 23.00

★

23.00 «Сочидаги қоронги тунлар». Бадиий фильм. 1-серия.
24.00 — 00.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Ҳалқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Янги иқтисод».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
22.00 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
22.15 «Спорт-дайджест».
22.45 Эълонлар.
22.50 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.20 Балет, балет...»
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

★

8.25 Эстрада қўшиқлари.
9.00 «Китоб ва ҳаёт». Тележурнал.
9.30 Болалар учун. «Ором гоҳлар қўйнида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Ҳиссадорлар ҳиммати.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 «Ассалом, япон тили!».
11.40 Абитуриент-96. Физика.

★

12.10 Кўҳон шаҳар «Сарвигул» ансамблининг концерти.
12.40 «Исломият ва маънавият».
13.10 «Нафосат дунёси». Кинодастур.
13.50 «Иш кассаси». Катталар учун мультфильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 3-қисм.
15.10 «Атланта-96».
15.25 — 15.55 «Бахтиёр Холхўжаев куйлаганда». Фильм-концерт.

★★★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Автоолам».
18.40 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.00 Шеърият лаҳзалари.
19.05 «Замон билан ҳамнафас».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Жаҳон киноси юлдузлари». Жулия Робертс.
21.40 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
22.05 «Дубль».
22.15 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Табиат дунёси».
19.10 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
20.20 Видеоклип.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Гиннес-шоу».
22.45 — 23.45 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Красавка». Телефильм.

★

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

★★★

18.10 — 20.35

★

20.35 «Эсдалик учун дастхат».

★

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

★

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.

★

Россия давлат телевидениеси
22.25 — 23.25

★

23.25 «Сочидаги қоронги тунлар». Бадиий фильм. 2-серия.
00.25 — 00.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Маънавият сарчашмалари».
19.35 «Иқтисодиёт уфқлари».
20.05 «Жаҳон болалари».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Кинематограф».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Нафосат гулшани».
22.05 «Тошкент оқшомида».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Юлдузлар жилоси».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

★

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Жаҳон киноси юлдузлари». Жулия Робертс.
8.55 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 Лирик тароналар.
9.45 «Кулол Раим бобо». Телефильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Таълим ва ислоҳот». Малакали мутахассислар тайёрлаш вазифалари ва муаммолари.
10.30 «Кўзнак ёз ўтмоқда соз».
11.00 «Ғойиб бўлди осмонда қушча». Мультфильм.
11.10 Ҳамкорликнинг амалий натижалари.
11.25 «Ринг». Бадиий фильм.
13.00 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.30 «Сомон йўли». Мусиқий публицистик кўрсатув.
14.00 Янгиликлар.
14.05 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 4-қисм.
15.10—15.25 «Атланта-96».

★★★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.00 «Аввал иқтисод...».
19.15 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Марказ ва минтақалар».
21.35 «Мутойиба».
21.45 «Одобнома».
21.55 «Омонлик тилаймиз».
22.00 Олтин мерос. «Шоҳ Эдип». Телеспектакль.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Киноғоч».
23.35—00.05 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кўрқинчонадаги қуш уялари». Телефильм.

★

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

★★★

18.10 — 20.35

★

20.35 «Сеҳрли най». Телефильм.

★

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

★

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 Эълонлар.

★

Россия давлат телевидениеси
22.30 — 23.00

★

23.00 — 23.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Каталог».
20.40 Эълонлар.
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 «Эколот-коктейль».
21.30 «Компьютер-ревю».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

★

8.25 «Юзма-юз».
8.45 Ўзбек куйларидан концерт.
9.15 «Атланта-96».
9.30 «Эъзоз». Телеочерк.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
10.35 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.10 «Ўзбекистон — телевидение Ватани».
11.40 «Фильм суратга олинди...» «Ўзбектелефильм»да яратилган янги фильмлар.
12.20 «Фермер». Тележурнал.
12.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.35 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 5-қисм.

★★★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 «Аудитория».
18.55 Бизнес ҳафта якунлари.
19.05 «Ҳавас—ТВ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Сизлардан ишорат».
21.55 «Репортаж».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Мафтункор чеҳралар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 —. 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Сизнинг имкониятингиз».
18.50 «Мусиқа, холос».
19.05 «Бизнес-уик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Видеогид.
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ ІІ намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20—23.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Дархон». Телефильм.

★

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

★★★

18.15 — 20.35

★

20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.

★

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

★

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 — 22.35 Эълонлар.

★

Россия жамоат телевидениеси
22.35 — 23.45

★

23.45 — 23.50 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Учқун».
19.35 «Билиб қўйган яхши».
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Тўмтоқисий келажак йўқ».
21.05 «Долзарб репортаж».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Бу бўстон аро...»
22.10 «Кайфият».
22.40 — 22.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

★

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
9.35 «Саҳна ҳаёти». Тележурнал.
10.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
10.45 Пойтахт концерт залларида.
11.20 «Малина виноси». Бадиий фильм.
12.50 «Рангин дунё». Бадиий публицистик кўрсатув.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

13.20 «Менга сўз беринг».
14.20 «Ёшлар ва замон».
14.40 «Атланта-96».
14.55—15.20 «Оқибат».

★★★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Қайрат».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Мактуб».
19.15 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ишингиз баридан келсин!».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.35 «Кўнгил».
21.55 Мусиқа салтанати.

«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:

22.15 «Муъжиза».
22.30 «Имкон чўққилари».
22.45 «Эрамиздан миллион йил аввал». Бадиий фильм.

II

18.00 «Мультфейерверк».
18.10 «Ўйинчоқлар растаси».
18.20 «Ҳужжатли кино экрани».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бангкок — Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05—23.45 Видео — «О».

III

17.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

★

Россия жамоат телевидениеси
17.30 — 20.35

★

Россия давлат телевидениеси
20.35 — 23.05

★

Россия жамоат телевидениеси
23.05 — 23.50

★

23.50 — 00.10 «Тошда акс этган қуёш». Телефильм.

IV

«Навоий» видеоканали:

10.00 «Замандас».
10.30 «Бизнен мирас».
11.00 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 2-кўй.
11.40 Достон қўшиқлари.
12.10 «Орзули олам бу...». Телеочерк.
12.40 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
13.10 «Мультипанорама».
13.40 «Нурли йўллар». Темирйўлчилар кунига бағишланади.
14.10 «Атланта-96».
14.25 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.55—15.55 «Болаligим — пошшолигим». Видеоканал.

★★★

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO сайёраси».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳақида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари. «Ўзбектелефильм» тақдим этади: «Олис юлдуз шуъласи».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Шахс ва бахс».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 ЎзТВ экранида премьера. М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 3-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Трактор» — «МХСК».
00.45 Тунги тароналар.
00.55—01.05 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 «Мультдаста».
18.15 «Боланинг тили...»
18.25 Эълонлар.
18.30 «Даракчи».
18.40 «Дармон».
18.50 «Мусиқий майдонча».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табиат шифохонаси».
20.10 «Дилором наволар».
20.20 «Транспорт ва йўловчи».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ал Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30—00.10 Видео — «О».

III

16.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

★

Россия жамоат телевидениеси
16.10 — 21.30

★

21.30 Эълонлар

★

Россия давлат телевидениеси
21.35 — 22.05

★

22.05 — 22.30 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 Эълонлар.
10.35 «Учувчи шифокорлар». Телесериал (Англия).
11.25 «Парле ву франсэ?» Француз тили ҳамма учун.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Ёр ажиб дунё».
12.30 «Дарвоқе». Дам олиш дастури.
12.55 Киносалон. «Кунлардан бир куни Америкада». Бадиий фильм.
14.25 Араб эстрадаси.
14.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
16.10 «Оқ соя». Марат Содиқов.
16.40 «Мусиқий олим».

★

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

★

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.25 Эълонлар.
19.30 Киносалон. «Бир вақтлар ёвойи ғарбда». Сержа Леонеинг ушбу фильмида Ч. Бронс, К. Кардинале, Д. Фонда, К. Иствуд иштирок этадилар.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Туризм-ревю».
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Иштирок этучилар». А. Ҳамроев.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).